

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМАЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ МАЗМУНИ

Тошболтаева Насиба

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

Аннотация: Мазкур илмий мақолада “Глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асри”да инсоният ҳаётида ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик жиҳатлари ва сабаб, шароитлари ҳамда улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси, бугунги кундаги ҳолати ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва бир қатор фикр-муқоҳазалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: виктимоген омил, айбли виктимлик, айбсиз виктимлик, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси, виктимлик даражаси ахборот хавфсизлиги, ахборот технологиялари, кибержиноятчилик

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилигимиз ва давлат суверенитетининг мустаҳкам пойдеворини яратди, хавфсизлик ва қонун устуворлигини, давлат чегараларининг дахлсизлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва жамиятда диний бағрикенгликни, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратди ва фуқароларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқарди. Мамлакатимизда кейинги йилларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди.

Ички ишлар органлари давлат бошқарувининг таркибий қисми сифатида жамият ҳаётида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Уларнинг асосий вазифаси ўз моҳияти ва мазмунига кўра Республикада ҳуқуқни муҳофаза қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Шу сабабли ички ишлар органлари фаолиятини замона талабларига мос равишда мунтазам такомиллаштириб бориш зарурати мавжуд.

Умуман ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг юзага келишига сабаб бўладиган омилларни теран кузатиш, ушбу ҳуқуқбузарликларни динамикасидаги мураккаб вазиятни чуқур таҳлил қила билиш бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга кўмаклашади дейиш мумкин. Шунинг учун биз ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва такомиллаштириш масаласига тўхталиб ўтамиз.

Бунинг учун авваламбор, қандай ҳуқуқбузарликлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилади, виктимологик

профилактика ўзи нима, бу билан бир қаторда «виктимлик», «виктимоген омил», «айбли виктимлик», «айбсиз виктимлик», «жабрланувчи» ва шу каби бошқа иборалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Юридик адабиётларда *“viktimologiya” тушунчасига қуйдагича таъриф* берилган . *“victima”* – яъни жабрланувчи, жабрланувчи *ва грекча “logos”* - таълимот сўзларидан олинган бўлиб, ҳуқуқбузарлик қурбони ҳақидаги таълимот, деб эътироф этилган. Таъкидлаш жоизки, виктимология, ўз мазмунига кўра, нафақат жиноят натижасида жабрланганларга етказилган зарани ўрганади, балки бахтсиз ходиса, табиий офат, уруш, геноцид, давлатнинг нотўғри сиёсати натижасида юзага келган жабрланишларни ҳам ўз ичига олади.¹

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчасига қонун нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонунида **Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси** – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятидир деб таъриф берилган. Илгари фақат юридик адабиётларда учраган ушбу тушунча Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни билан илк бор ҳуқуқий жиҳатдан амалиётга жорий этилди. ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини нафақат бевосита амалга оширувчи органлар балки, кўпроқ унда иштирок этувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштириш мамлакатимизни жадал ривожлантириш ҳамда фуқороларни кибржиноятлар, кибртерроризмдан ва бошқа маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ажралмас таркибий кисмидир. Айти пайтда бизнинг назаримизда, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар-ни жамият ҳаётидан алоҳида ажратган ҳолда олиб қараш мумкин эмас. Албатта, бундай ҳуқуқбузарликлар, жамият ҳаёти учун хавфли иллат.

Шу ўринда ҳозирги кунда глобал муаммога айланган кибертерроризм ҳақида тўхталиб ўтаман.

XXI аср глобаллашув жараёнида давлатларнинг тараққиётида ахборот технологиялари ва фан-техника ютуқларидан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, бошқарув ва хавфсизлик соҳаларида фойдаланиш тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шунингдек бугун инсоният тинчлик ва хавфсизлигига таҳдид солиб келаётган, халқаро майдонда энг долзарб мавзуга айланган “терроризм” хар қайси давлатда ўз ўчоғини қурганлиги ҳеч кимга сир эмас.

¹“Huquqbuzarlik profilaktikasi to'g'risida”gi qonun

.Бу фикрларни инобатга холда шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тур ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг муҳим манбаи кўп холларда жабрланувчиларнинг ўзларига боғлиқ.

Шу ўринда қуйдаги тушунчалар тавсифига эътибор қаратсак.

Виктимлик жабрланувчининг ҳуқуқбузарлик содир этилишидаги иштирокининг даражасидир. Виктимлик айбли ва айбсиз турларга ажратилган бўлиб:

Айбли виктимлик потенциал қурбоннинг салбий, ҳуқуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан номуносиб хулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаларидан фуқароларнинг кўпгина қисми йўл қодаларига роя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

Айбсиз виктимлик умуман ҳаётда, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла посбони) меҳнати ёки жамоат фаолиятининг хусусияти ёхуд психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ².

Шу ўринда виктимлик даражалари мавжудлигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада виктимликнинг қуйидаги уч даражаси мавжудлиги кўзга ташланади:

1) *виктимлик даражаси кам бўлган шахслар* – жисмонан бақувват, воқеликка тўғри ёндашувчи ва бошқалар;

2) *виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар* – нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидолмайдиган шахслар;

3) *виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар* – касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий-руҳий белгилари кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслардир.

Виктимликни келиб чиқиш манбаига кўра объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин, яъни:

объектив омиллар – маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (кўрқоқлар, журъатсизлар);

субъектив омиллар – ишонувчилар, безътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), урушқоқлар.

Виктимологик нуқтаи-назардан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора тадбирлари, мазкур ҳуқуқбузарликни содир қилиши мумкин бўлган шахсларга эмас, балки ҳуқуқбузарлик қурбони бўлишга мумкин бўлган шахсларга нисбатан амалга оширилиши ва уларда бундай мойилликни шакллантиришга кўмаклашувчи жиҳатларни бартараф этишга қаратилган бўлиши керак. Бу ҳол юридик адабиётларда ҳуқуқбузарликни олдини олиш фаолиятини амалга ошириш чора-

²Kriminologiya-Darslik. Toshkent-2009y

тадбирларининг турли кўринишлари билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари мазмуни бўйича иқтисодий, сиёсий, мафкуравий кабиларга бўлинади.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикасини ташкил қилишда бу фаолиятни амалга оширувчи субъектларни *уч гуруҳга* бўлиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикаси фаолиятини ташкил этиш, такомиллаштириш, унга раҳбарлик қилиш ва барча субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширувчи субъектлар ташкил қилади;

Иккинчи гуруҳга, ўзларининг асосий вазифаси Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикаси бўйича бевосита чора-тадбирларни амалга оширувчи субъектларни киритамиз;

Учинчи гуруҳга, бевосита Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикаси билан дастлабки босқичда шуғулланувчи субъектларни киритиш мумкин.

Фикримча Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни тергов қилишда жиноят қурбонларига нисбатан моҳирона ёндашиш хали тўла фойдаланилмаган профилактик имкониятлардан ҳисобланади, дейиш мумкин. Бу имкониятдан ҳам профилактикани ҳам индивидуал профилактикани амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикасини амалга оширишнинг ўзига ҳос хусусиятлари бўлиб, виктимологик профилактиканинг ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш усуллари билан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикасини амалга оширишнинг навбатдаги хусусиятларидан бири амалга оширилиши назарда тутилаётган тадбирларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини инобатга олган ҳолда, салбий ҳолатларнинг маълум тоифадаги одамларга таъсири даражасини аниқлаш инсон руҳияти, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи, уларнинг яшаш муҳити каби ҳолатларга тааллуқли тадбирларни олдиндан режалаштириб олишдан иборат.

Бунда шахс ва унинг атрофидаги муҳит маҳсус ижтимоий бирлик тарзида қаралиши керак. Чунки бизнинг назаримизда, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузар ёки жабрланувчининг ижтимоий муҳит билан алоқаси муҳим роль ўйнайди.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига кўмаклашувчи виктим омиллар ва ҳолатларнинг йиғиндиси «ҳуқуқбузар-жабрланувчи» муносабатлари даражасида ўрганиб чиқилиши зарурияти ҳам ахборот технологияларидан фойдаланган

ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикаси фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари жумласига киради. Бунда жабрланувчи ва ҳуқуқбузар унинг хулқ-атвори ўртасидаги сабабий боғланиш диққат-марказида туриши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида келтирилган фикр мулоҳазалар қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан бирга, уларни амалиётга тадбиқ этишда ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикасини амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда, таъкидланганидек, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга жавобгарлик масаласини ҳал қилиш билан бир қаторда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктималогик профилактикасини такомиллаштиришга доир зарур ҳуқуқий асослар яратилиши лозим. Албатта бу борада бир қатор давлатларда амалга оширилаётган ишлар ва тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқдир.³

³ Kriminologiya umumiy qism 2002y